

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 17 АВГУСТ КУНИ ХОРИЖДА МЕХНАТ ҚИЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАРГА МУНОСИБ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ВА УЛАР БИЛАН ТИЗИМЛИ ИШЛАШ ЮЗАСИДАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ.



НУҚУҚ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 20-AVGUST, №33 (1230)

Жорий йилнинг 18 август кuni Бош прокурор раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги соҳасида, жумладан ғўза парвариши ва пахта йиғим-теримида доир қонунчилик ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда Бош прокуратура, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агроинспекция, вилоят ва туман прокурорлари, ҳокимларнинг соҳага масъул ўринбосарлари ҳамда бошқа мутасадди идоралар вакиллари иштирок этди.



Танқидий муҳокама қилинди

Йиғилишда экинларни етиштириш, айниқса ғўза агротехникаси ва пахтани йиғиштириб олиш борасидаги ишлар танқидий муҳокама қилиниб, қонун бузилиши тизимли тус олгани оқибатида қатор муаммолар юзага келгани таъкидланди.

Хусусан, республика бўйича 210 минг гектар, шундан Андижон вилоятида 3,7 минг, Бухорода 3,8 минг, Тошкентда 5,4 минг, Наманганда 6,4 минг, Навоийда 8,3 минг, Фарғонада 8,5 минг, Сурхондарёда 9,7 минг, Қашқадарёда 12,6 минг, Самарқандда 18,6 минг, Хоразмда 17,9 минг, Қорақалпоғистонда 26 минг, Сирдарёда 38,5 минг, Жиззахда 50 минг гектар ердаги ғўзаларнинг ўсиши суст.

Сувдан самарали фойдаланиш чоралари кўрилмагани оқибатида республика-

даги барча манбалардан ғўзани суғориш учун бир кунда секундига 1270 куб метр сув олиниб, шунча сув билан 55-60 минг гектар майдонни суғориш мумкин бўлса-да, амалда 45 минг гектар ер суғорилмоқда.

Мирзачўл, Сайхунобод, Қизирик, Бўка, Эллиққалъа, Ўзбекистон, Муборак, Мингбулок, Чуст, Пахтачи туманларида 1,5-2 минг гектар майдондаги ғўзалар чанқаган бўлишига қарамай, суғориш асосиз кечиктириляпти.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратилган имтиёзли маблағлар нотўғри ишлатилган.

Бу йил пахта ҳосили учун ажратилган имтиёзли кредитнинг 58,7 млрд. сўми

«Агробанк» филиаллари мансабдорлари томонидан нотўғри сарфлаб юборилган.

Ўтган йилги харажатлардан 1 трлн. 767 млрд., шундан 1 трлн. 708 млрд. сўми кластерлардан ҳамда 59,5 млрд. сўми фермер хўжаликларидан қайтарилмаган. Кластер корхоналарининг 19 таси олти ойдан буён муддати ўтган 433 млрд. сўм қарзини қайтармаган.

Соҳа мутахассисларининг ҳисоб-китоблари ҳамда ҳудудлардан олинган тақлифларга кўра, бу йил 829,2 минг гектар пахтазорда дефолиация ўтказиш режалаштирилмоқда.

Бирок Қорақалпоғистонда, Қашқадарё, Жиззах, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида 6-8 фоиз, Бухорода 12 фоиз, Хоразмда 25 фоиз, Сурхон-

дарёда 29 фоиз дефолиант захира қилинган бўлса, Навоий, Наманган, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида умуман захира қилинмаган.

Шу билан бирга, республиканинг табиий шароитидан келиб чиқиб 42 534 гектар ерга картошка экиш режалаштирилган бўлса-да, режадаги 3717 гектар майдонга картошка экилмаган.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Бухоро вилоятлари прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари, мазкур вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари ва бошқа мутасадди раҳбарларнинг тушунтиришлари эшитилди.

Қайд этилган камчиликларни зудлик билан бартараф қилиш ҳамда соҳага доир қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

**Бош прокуратуранинг
жамоатчилик билан алоқалар ва
ҳуқуқий ахборот бўлими**

**ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН
МАҲРУМ БЎЛДИ**

4-БЕТ

**«ЧИҚ ЭНДИ»
ДЕБ ЧИҚАРА
ОЛМАСАК...**

6-7-БЕТЛАР



2020 йил 19 август
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар
36 968 нафар



Соғайганлар
32 557 нафар



Вафот этганлар
246 нафар

ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг ташаббуси билан Миллий гвардия марказий аппаратида онлайн мулоқот ўтказилди. Унда Миллий гвардия ва унинг вилоят бошқармалари, Қўриқлаш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари кўмондонликлари шахсий таркиби ҳамда ҳудудий ҳарбий прокурорлар иштирок этди.

Видеоконференцалокада Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Худойбердиев маъруза қилиб, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, муҳофазатлар билан ишлаш, ҳарбий интизом ва фаолиятга доир бошқа масалалар юзасидан атрафлича сўз юритди.

Шундан сўнг ҳудудий бошқармалар бошликларининг тушунтиришлари эшитилди.

Шунингдек, тадбирда Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги



ҳамда 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларининг моҳияти юзасидан тушунтириш берилди.

КУРСАНТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаконнинг ташаббуси билан Тошкент ҳарбий прокуратураси, Олий

Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Миллий гвардия ҳарбий-техник институти ҳамкорлигида институт курсантлари иштирокида мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишлаб «Сен – қудрат манбаи, са-

одат масканисан, жонажон Ўзбекистоним» шиори остида онлайн мулоқот ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси Тўлқинжон Каримов иштирок этди.

Тадбирда курсантларга Ўзбекистон мустақилликка эришгач ва сўнгги йилларда кўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилган ислоҳотлар, тараққиёт ва ўзгаришлар ҳақида ҳаётини мисоллар билан тушунтиришлар берилди.

Ботирбек СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг катта
ёрдамчиси



БИР МАҚСАД САРИ

Пайариқ тумани прокурори раҳбарлигидаги 2-секторда камбағалликни қисқартириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Одамларнинг шароити ўрганилмоқда, уларга ёрдам бериш чоралари кўрилаяпти.

– Маҳалламизга туман прокурори келиб, тадбиркорлик билан шуғулланишга истагимиз бор-йўқлиги билан қизиқди. Хоҳиш билдирганларга давлатимиз ҳисобидан иссиқхона куриб берилаётганини эшитиб, бу ишга қизиқиб қолдим, – дейди **Гулзор маҳалласида яшовчи Элёр Нормуродов**. – Мен устачилик билан рўзгор тебратиб келаётган эдим. 15 сотихдан ортиқ томорқамизга кам эътибор қаратардик. Оиламиз билан томорқа хўжалиги ташкил этишга қарор қилдик. Бир нечта маҳалладошим ҳам тадбиркорлик қилишга киришди.

Маҳаллада 81 та камбағал бўлиб, уларнинг 37 нафари иш билан таъминланди. Айрим оилаларга инкубатор ва тикув машиналари олиб берилди.

– Инкубация қишлоқ шароитида жуда сермахсул соҳа экан, – дейди «Кўпаки» МФЙ раиси **Бобур Шодмонов**. – Илгари ота-боболаримиз бу соҳадан мўмай даромад олишган. Товуқ етти хазинанинг бири. Товуқчилик билан астойдил шуғулланган оилалар кам бўлмайди.

«Кўпаки» МФЙда 23 та оилага 13 хил озиқ-овқат мунтазам равишда етказиб берилмоқда. Бугдоддан бўшаган ерлар хайдалиб, ишсизлар 0,5 гектардан ер, уруғлик билан таъминланди. Натижада 95-96 фоиз аҳоли шу йилнинг ўзида камбағалликдан чиқиб имкониятига эга бўлмоқда. Биргина Шўртрепа маҳалласидаги фойдаланилмай келган 600 гектар ерда томчилатиб суғориш йўлга қўйилди. Баҳрин ва Дўстлик маҳаллаларида ҳам ана шундай ишлар режалантирилган. Қаерда ҳаракат бўлса, албатта мақсадга эришилади.

Азамат ТОВБОЕВ,
«Пайариқ ҳаёти» газетаси муҳаррири

Сектор ҳудудидаги 14 та маҳалланинг ҳар бирида етарлича шароит бор. Бир маҳаллада уч-тўрт тадбиркорнинг ҳар бири ўз иссиқхонасидан йилга 50-60 миллион сўмдан даромад олаётган бўлса, қолганлар товук боқиб, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланиб, турмушини ўнглаб олган. Туман прокурори иштирокида ҳар бир маҳаллада йигилиш ўтказилиб, ночор оилаларнинг рўйхати тузилди.

Баҳорда ночор оилаларга «Челак томорқа» МЧЖ билан ҳамкорликда помидор, картошка, булғор қалампир ва маккажўхори уруғи етказиб берилди. Шунингдек, 50-100 тадан жўжа тарқатилиб, паррандчиликни ривожлантириш учун замин яратилди.

– Пайариқда чорвачилик, товуччилик, дехқончилик ва тикувчиликни ривожлантириш жуда қулай, – дейди туман прокурори **Шухрат Тоштемиров**. – Шунинг учун секторимиз ҳудудида бу ишларга қайси оилаларнинг қурби етишини ўрганиб, уларга изчил ёрдам кўрсатиб келмоқдамиз. Жумладан, субсидия асосида 14 маҳалланинг ҳар бирида 30-35 оилага иссиқхона куриб бердик.

FAOLIYAT

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Департаментнинг Андижон вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида жиноятларнинг олдини олиш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш борасида 3012 та профилактик тадбирни амалга оширди, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган 949 кишига ҳамда тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатди.

Шунингдек, 6 ой давомида 181 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 146 та жиноят иши кўзгатилиб ва 35 та маъмурий иш юритилди.

Хусусан, департаментнинг Андижон вилояти бошқармаси ва Асака тумани бўлими ДХХ вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирда Агросоноат мажмуини назорат қилиш инспекцияси Асака тумани бўлими бошлиғи Б.М. «Қоратепалик Элнурбек» фермер хўжалигига тегишли 44 гектар ерда экинлар тўлиқ экилмаганини рўқач қилиб, ерни бошқа фуқарога олиб беришини айтиб фермердан тамағирлик билан 10 минг АҚШ долларини қассобхона сотувчи М.С. орқали олган вақтида ушланган.

Валютани ноқонуний муомалага киритишнинг олдини олиш ва қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан ўтказилган тадбирларда 60 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 29 та жиноий ва 31 та маъмурий иш кўзгатирилган. Ҳуқуқбузарлардан 88 955 АҚШ долларини, 189 100 Россия рубли ва 110,1 млн. сўм ашёвий далил сифатида олинган.

Шунингдек, қалбаки пулни муомалага киритувчилар аниқланиб, улардан 11050 сохта доллар ва 1,1 млн. сохта сўм олиб қўйилган. Хусусан, департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси ва Избоскан туман бўлими ДХХ Андижон вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирда Б.К. ва

бошқалар 10 000 сохта долларни 6880 долларга сотишга келишиб, 7900 сохта долларни ўтказиб, 2100 сохта долларни ўтказмоқчи бўлган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Солиқ тўлашдан бўйин товловчиларни фош этиш борасида 12 та жиноят иши кўзгатилиб. Ҳисобот даврида кў-

Фермердан 10 минг доллар талаб қилди мансабдор.

шимча ҳисобланган маблағ ва аниқланган зарарлар миқдори 23 млрд. 455 млн. сўмга тенг бўлди, шундан 40,6 фоиз ундирилди.

Тезкор кидирув тадбирларида ҳуқуқбузарлардан ноқонуний муомалага киритилаётган 1 млрд. 54 млн. сўмлик товарлар ашёвий далил сифатида олинди, аввалги йилларда олинганлари билан бирга 1 млрд. 87 млн. сўмлиги сотилиб, пули бюджетга ўтказилди.

Вилоятимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг, бозор ва дўконларда озиқ-овқат нархи асоссиз равишда оширилишининг олдини олиш бўйича мунтазам тарғибот олиб борилмоқда. Шу билан бирга, олис ҳудудлар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда кўча дўконлар ташкил этилди ва 750 тоннадан ортиқ озиқ-овқат етказиб берилиши таъминланди.

Ақмалжон КАРИМОВ,
департаментнинг Андижон вилояти
бошқармаси бошлиғи

«ҚИСТИР-ҚИСТИР»ГА ҲАМДА ҲАМБАГАЛ ОИЛАЛАРГА

2019 йилги депутатлар сайлови кезлари аҳоли билан учрашувларда кўп бора ўртага ташланган масалалардан бири бола икки ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши учун тўлаб келинган нафақани тиклаш ҳамда камбағал оилаларга моддий ёрдам ажратиш мезонларига эътирозлардир.

Мутасаддиларнинг сайёр қабулларида ҳам, идораларга қилинаётган муносабатларда ҳам шу каби масалаларга дуч келаямиз. ОАВда ҳам «Фалон маҳалланинг мутасаддилари нафақа тайинлаш учун пора олди» мазмундаги хабарлар берилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишларни танкидий кўриб чиқиш вақти келган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазкур муаммоларни бутараф этиш учун дастуриламал бўлди.

Ушбу соҳада зарур идоравий ахборот тизимлари, электрон ресурс ва маълумот базалари йўқлиги коғозда иш юритишдан воз кечиш, давлат ижтимоий хизматлари ёки ёрдамини тақдим этиш вақтини қисқартириш имконини бермаётгани. Бугунги синовли кунларда эса

аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қисқа муддатда аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ҳамда самарали тизими бўлиши жуда муҳим.

Мазкур қарорга кўра аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилади, камбағалларга давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этишнинг ягона тизими яратилади.

Қарорда белгиланишича, 2019 йилнинг 1 октябидан Сирдарё вилоятида тажриба лойиҳаси доирасида бошланган икки ёшга тўлгунга қадар парвариш нафақаси, 14 ёшга болалари бўлган оилаларга нафақа ва камбағал оилаларга моддий ёрдам тайинлаш «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда. Мазкур тизим ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси гранти асосида берилган молиявий, техник ва эксперт қўмаги асосида жорий этиляпти. У 2020 йилнинг 1 сентябидан йил охиригача босқичма-босқич ишга туширилади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими «Электрон ҳукумат» тизимининг таркибий қисmidир.

Бу тизимда инсоннинг шахсий идентификация рақами муҳим ўрин тутди. Давлат ижтимоий хизматлари ёки ёрдамини тақдим этишда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамкорлиги «Электрон ҳукумат» тизими идораларо интеграция платформаси орқали амалга оширилади. Бундан қўзланган мақсад эса ўзаро хужжат алмашиш жараёнини автоматлаштириш орқали ижтимоий хизмат ва ёрдамини тақдим этиш учун керак бўлган хужжатлар сонини камайтириш, камбағал оилаларнинг эҳтиёжмандлик даражасини ҳолис баҳолаш, эҳтиёжманд тоифа таркиби ўзгариши тахлилини юритиш, баҳолаш мезонини республика ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштириш, давлат ижтимоий хизматлари ва ижтимоий ёрдам олувчиларнинг доимий янгилашиб турадиган ягона маълумот базасини шакллантириш, ижтимоий ҳимояга дахлдор вазирлик ва идораларни зарур маълумот билан таъминлашдан иборат.

Энди 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этишда фуқаролардан

айрим хужжат ва маълумотлар талаб этилмайди.

Адлия вазирлиги 2021 йилнинг 1 январига қадар «ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари архивларида сақланаётган хужжатларнинг электрон базасини яратди. Молия вазирлиги бунинг учун республика бюджетидан 30 миллиард сўм пул ажратди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электрон ҳукумат» тизимининг идораларо интеграциялашган платформаси орқали «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими билан идоравий ахборот тизимлари ва ресурслари ўртасида сифатли ахборот алмашувини таъминлайди. Молия вазирлигига техник қўмак беради.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, энди давлат камбағаллар учун ажратаётган пуллар эгаларига етиб боради. Айрим мутасаддиларнинг ўз таниш-билишларига ён босиши ёки пора эвазига моддий ёрдам ажратишига барҳам берилади.

Фарходжон НАЗАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

JARAYON

«ХАВФСИЗ ЙЎЛ» ЛОЙИҲАСИ

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини тақомиллаштириш, йўл инфратузилмасини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин соҳада фундаментал тадқиқот ва инновацион фаолиятни чуқур таҳлиллар асосида ва изчил олиб бориш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенгроқ жорий этиш бўйича қатор муаммолар бор.

Ушбу муаммоларни бутараф этиш мақсадида Бош прокуратура академияси томонидан ИИВ академияси, Тошкент давлат транспорт ва Тошкент ахборот технологиялари университетлари, Жиззах политехника институти олимларини жалб этган ҳолда «Хавфсиз йўл» дастурий таъминотини ишлаб чиқиш лойиҳаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди. Вазирлик ҳайъатининг 2020 йил 4-5 август кунлари бўлиб ўтган йиғилишида ушбу лойиҳа маъқулланиб, уни молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мазкур лойиҳа доирасида:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспортларига ўрнатилган видеорегистраторлар орқали қайд этилган ҳукукбузарлик тўғрисидаги видеоёзувларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тизимини тақомиллаштириш мақсадида дастурий таъминот яратилади, жамоат транспорти ва йўловчи ташувчи транспортларга видеорегистраторларни мажбурий тартибда



ўрнатиш таклифи берилади ва ушбу масалаларни тартибга солиш норматив-ҳуқуқий хужжат ишлаб чиқилади;

- йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари уларга юклатилган вазифалар қўламлидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинади ҳамда илмий асослар ва ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда янги мезонлар ва ушбу муносабатларни тартибга солиш норматив-ҳуқуқий хужжат ишлаб чиқилади;

- йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати иштирақчилари билан муносабатини яхшилаш мақсадида хушфелъ ходимларни рағбатлантиришнинг назарда тутовчи норматив-ҳуқуқий хужжат ишлаб чиқилади, йўл-патруль хизмати ходимлари билан мулоқот қилиш маданиятига бағишланган қўламли таъбирларни, таълим муассасалари ва жамоат жойларида семинарлар ташкил этилади;

- транспорт ҳайдовчилари содир этган қондабузарликлар-

ни фото ва видеода қайд этувчи автоматлаштирилган тизимнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқариш концепцияси ва унинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилади;

- ҳорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида автотранспортни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиш жараёнида инсон омилини чеклашни назарда тутовчи норматив-ҳуқуқий хужжат ишлаб чиқилади.

Таъкидлаш жоизки, АКШ, Германия, Швеция, Япония каби етакчи давлатларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда инсон ресурсларидан кўра кўпроқ ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланилмоқда. Масалан, Японияда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда 3 Е таъминоти амал қилинади. Булар:

- йўл муҳандислиги (Traffic engineering);
- йўл ҳаракати қондаларига риоя қилинишини таъминлаш (Traffic enforcement);
- йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича таълим бериш (Traffic education).

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ахборот-коммуникация воситалари, айниқса видеорегистратор, йўлларда ўрнатилган камералар ва GPS-навигаторлардан кенг фойдала-

нилади, йўл-патруль хизмати ходимлари эса фақат махсус автотранспортда ҳаракатланади.

Шу сабабли лойиҳа доирасида иккинчи ва учинчи тамойилга мос равишда замонавий воситалар ва дастурий таъминот орқали йўл ҳаракати қондаларига риоя қилинишини таъминлаш ва йўл-патруль хизмати ходимлари билан мулоқот қилишни ўргатиш бўйича тадқиқотлар олиб борилади ва бунда инновацион методлар кенг қўлланади. Олинган натижалар ИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва бошқа идоралар билан биргаликда амалиётга жорий этилиши режалаштирилган.

Лойиҳани амалга оширишда олий таълим муассасаларининг иқтидорли курсантлари, талабалари ва магистрларнинг иштироки кўзда тутилгани, уларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш орқали малякали кадрларни тайёрлаш яна бир ютуғимиз бўлади.

Сайдулла КАЛАУОВ,
Бош прокуратура академиясининг «Хавфсиз йўл» дастурий таъминотини ишлаб чиқиш лойиҳаси раҳбари
Улуғбек АБДУРАХМАНОВ,
Бош прокуратура академиясининг «Хавфсиз йўл» дастурий таъминотини ишлаб чиқиш лойиҳаси илмий жамоаси аъзоси

17 август куни «Хоразм вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

ИССИҚХОНА ИССИҒИНИ ЧИҚАРДИ

Давир (исмлар ўзгартирилган) иссиқхона қуриш учун 30 миллион сўмгача, йиллик 7 фоиз устама билан кредит берилётганини эшитиб қолди. Муддати 6 ой имтиёзли давр билан 36 ой экан. Суриштириб кўрганди, ҳужжатлари ҳам унчалик қийин эмас экан. Шу кредитдан олмоқчи бўлди. Унинг иссиқхона қуриш нияти йўқ, шунчаки кредит эвазига оилавий шароитини яхшиламоқчи, муаммоларини ҳал қилмоқчи эди.

Банка бориб суриштирди, барча қонун-қоидаларни, шартларни ўрганди. Бир кишига 17 миллион сўмча берилётган экан. Бу пул камде туюлди. Амакисининг ўғли Нодирга илтимос қилди:

– Банктан кредит олаётгандим. Кам пул бераркан. Сенинг номингга ҳам олайлик.

– Менга кредит керак эмас, – деди у.

– Йўқ, сенинг номингга мен оламан. Кейин ўзим тўлайман. Сенга муаммо бўлмайди.

Ака-укачилик... Нодир рози бўлди.

Давир банк берган рўйхат бўйича ҳужжатларни тақдим қилди. Нодир фақат айтилган пайтда бориб керакли жойларга қўл қўйди. Иккита кредитга гаров учун қишлоқдошларининг иккита «Нексия» автомобиллини қўйишди. Қишлоқдошлар ҳам Давирнинг илтимосини рад этолмади.

Ҳаммаси тайёр бўлганда банк ходимлари Давирга:

– Кредит пули сизга берилмайди. Иссиқхона қуриб берадиган қурилиш ташкилоти топиб, келишинг. Биз пулни ўша ташкилотга ўтказамиз, у сизга иссиқхона қуриб беради. Кейин бажарилган ишни ҳужжатлаштирамиз, – дейишди.

Давирнинг боши қотди. Ундан-бундан суриштирди. Таъминотчи корхона «Қўшработ агро сервис» МЧЖ иссиқхона қуриб бермасдан, ўзининг хизмат ҳақини ушлаб қолган ҳолда кредит пулини нақдлаштириб бераётганини эшитди. Бу айни муддао эди. Чунки Давир ҳам иссиқхона қуриш эмас, пулни нақдлаштириш ниятида эди. Ўша корхонанинг бошлигини излаб топди. Дарров келишишди.



Хуллас, 34 млн. сўм пул «Қўшработ агро сервис» МЧЖга ўтказилди. Корхона пулнинг бир қисmini ушлаб қолиб, 32 млн. сўм нақд пул берди. Кейин иссиқхона қурилгани тўғрисида сохта ҳисоб-фактуралар банкка тақдим қилинди.

Уддабурунлигидан оғзи кулоғига етган Давир пулни ўзининг эҳтиёжига ишлатиб юборди.

Давлатнинг пули сўроқсиз эмас. Орадан кунлар ўтиб, берилган кредитнинг қандай ишлатилганини ўрганиш учун комиссия келди. Давир типирчилаб қолди, комиссияга иссиқхона кўрсатолмади. Нодир уйига борган гуруҳ аъзоларига иссиқхона ўрнига Давир акасини кўрсатди.

Шундан кейин Давирнинг ташвиши кўпайди. Кредит пулини фоизи билан банкка қайтарди. Бу билан кутулмади, суд унга иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Джаҳонгир МИРСАФАЕВ,
Қўшработ тумани прокурори

Ўн олти яшар
Сунбуланинг
(исм-фамилиялар
ўзгартирилган)
кўрган-
кечирганлари
катта-ю кичикнинг
дилини ўртайдиган
ҳинд киносининг
сюжетини
эслатади.

ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ БЎЛДИ

Эсини таниганида онаси билан бировнинг уйда ижарада туришарди. Тушга яқин онаси юк машинасида келди. Кўч-кўрорларини юкларди. Бир соатча юришгач, кейин билишчи, Асака шаҳридаги ҳовлилардан бирига етиб боришди. Юкларни тушириб битта хонага жойлаштиришди. Янги жой, янги мактаб, дастлаб болалар келгинди кизга унчалик рўйхушлик беришмади. Ёшига нисбатан тез улғаяётган, турмуш аччиқ-чучуқларини тотишга улгурган Сунбула ётирамай синфдошларига қўшилиб кетди. Энди яқин дутоналар орттирганида тагин кўчишди. Бу сафар Ёзёвонга. Ундан кейин Маргилонда ажай бошлашди. Тўрт марта мактабдан мактабга кўчган ўн олти яшар киз қайсар, шадлод бўлиб улғаймоқда эди. Онаси Ойшахон турмушга чиқди. Андижонда ўғай отанинг уйда тура бошлашди. Онаси ва ўғай отанинг тасодифан кулоғига чалинган баҳси дилини парча-парча қилди.

– Нима деб келишгандик, увутдингми? Туккан онасига элтиб бер ташландикни!

Сунбула кулоқларига ишонмади. Наҳотки туккан онаси бошқа? – Ўзимнинг боламдай бўлиб қолган, кўзим қиймагитти.

– Танла, ё у, ё мен. Гап тамом.

Ойшахоннинг буёғига ўз она билан яшайсан деган гапига кинодагидай кўз ёши қилмади. Кўчиб келган дастлабки кунданок бу хонадонга етти ёт бегоналигини, меҳр топмаслигини сезган эди.

– Нега айтмагандис, нега яширдингиз? Бўпти, туккан онам билан тураверман.

Туғруқхонада боласидан воз кечган, шунча йиллар давомида бирон марта йўқламаган онаси-

нинг туркини кўз олдига келтира олмади. Ойшахон уни Фарғона шаҳридаги туғилган бувисининг ховлисига олиб келди.

– Соттихоннинг кизи, ўн олти йил бокдим. Шароитим кўтармай қолди. Буёғига энди ўзларингиз қаранг.

– Шошмай туриг, Соттихонни ўзи келсин, гаплашиб олинглар, – деди буви.

– Туркиядами ҳалиям, қачон қайтади-ю...

– Келган, яқинда кўчага чикканди.

– Бўпти, телефонда гаплашиб оламиз, – деб Ойшахон Андижонга қайтиб кетди.

Соттихон ҳар қалай кизини тан олди, ҳайдаб солмади. Ингисиги қилмади, ўзини окламади. «Ўшанда шунақа бўп қолди, хомилма саккиз ойлигида отанг мен билан ажрашди. Кўчада қолдим. Бошпанам йўқ. Ҳеч қаерда ишламасдим. Сени бока олишимга кўзим етмай, тирноққа зор бир кишига топширдим. Кейин пул ишлагани Туркияга кетдим». Ҳовлида бувисидан ташқари турмушидан ажрашган икки холаси, тоғаси бола-чақаси билан тураркан. Тоға сирдан сипо, янгасининг нигоҳи ништардай ботар, болалари «ҳароми, келгинди» дея орага кўшишмасди. Онасидан ҳам тирноқча меҳр кўрмади. Бувиси кўксидан итарди.

Ушбу ҳолатни ўрганган Фарғона шаҳар прокуратураси қонунда белгиланган тартибда Соттихон Сафаровани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, Сунбулани васийликка олиш тўғрисида судга даъво аризасини киритди. Ариза хорижга чиқиб кетган, аниқ манзили номалум жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқилди.

Фарғона шаҳар прокуратурасининг вакили жавобгар С.Сафарова уч ойлик чакалоғини бировларга бериб юборгани, туккан боласини ўн олти йил мобайнида кўрмагани, оналик мажбуриятини бажармагани, ҳозир воёга етмаган киз бувисининг қарамогдалиги, бироқ на бувиси, на бошқа яқин қариношлари уни васийликка олишни хохламаётганини баён этиб, даъвои қаноатлантиришни сўради.

Васийлик ва ҳомийлик органи вакили даъвои қувватлади.

– Воёга етмаган С.Сафарова мактабнинг 10-синфида ўқийди, – деди у. – Ота-она тарбиясини кўрмагани тўғрисида ҳуқуқ яқши эмас. Васий тайинлинига муҳтож.

С.Сафарова васийлик ва ҳомийлик органи мутахассиси иштирокида бир ой туккан онаси билан яшагани, уни кечиргани, бошқа кетиб қолманг дея илтимос қилганига қарамай у яна Туркияга кетиб қолганини, унинг онласидагилар, яъни бувиси, тоғаси, холалари уйга сиғдиришмаётганини қайд этди. «Меҳрибонлик уйда ёки кўкондаги қизларнинг маҳсул мактабда ўқишга тайёрман», – дея сўзини якунлади.

Фарғона шаҳар прокуратурасининг даъвои қаноатлантирилди. Суд тошбағир Соттихон Сафаровани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, Сунбула Сафаровани васийлик ва ҳомийлик органига тошпириш, у воёга етганига қадар онасидан васийлик ва ҳомийлик органига алимент ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Муҳаммадбур УМАРАЛИЕВ,
Фарғона шаҳар прокурорининг
ёрдамчиси



FAOLIYATIDAN

Одатдагидай ўша куни ҳам эрталабдан Абдурахим 1 млн. 355 минг сўм пулини олиб, Ургут тумани марказидаги бозорга келди. Бозорнинг дарвозаси олдида туриб «доллар олашим» деб мижоз чақира бошлади.

Кўп ўтмай унинг олдида Акмал деган бир йигит келди.

— Ака, долларни қанчадан олаясиз? — деб сўради.

— 950 дан олаяпман, — деди Абдурахим.

— Шунга майдалаб беринг, — деб Акмал 100 доллар узатди.

Абдурахим икки бўлаб қилиб тахланган 950 минг сўмни Акмалга узатди. Шу пайт департаментнинг Ургут тумани бўлими ходимлари келиб, Абдурахимнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйди.

Абдурахимга базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари, яъни 6 млн. 690 минг сўм жарима солинди.

«Кўза кунда эмас, кунда синади» деган гап бежиз айтилмаган.

Ҳасан анча пайтдан бери машина олди-сотдиси ва чет эл валюталарини айирбошлаш билан шуғулланади. Қашқадарёдан Самарқанддаги машина бозорига тез-тез келиб турарди. Бир гал Гулзода исмли қиз билан танишиб қолди. Шундан сўнг улар тез-тез кўнгирокла-

ВАЛЮТАФУРУШЛАР

Абдурахим (исмлар ўзгартирилган) илгари маъмурий жавобгарликка тортилган эди. Аммо бу унга сабоқ олмади. Яна ноқонуний ишга қўл урди.

шиб, кўришиб туришди.

Бир куни Ҳасан шаҳарга машина кўришга келди. Гулзода билан кўнгироклашди.

— Дугонамга доллар керак экан. 30 млн. сўм пулини доллар қилиши керак, — деди Гулзода.

Ҳасаннинг ёнида 3000 АҚШ доллари бор эди.

— Ҳозир банклар қиммат олаяпти. Мен 955 минг сўмдан алмаштириб бераман, — деди.

Гулзода айтган жойда кўришди, Ҳасан 3000 доллар эвазига 28 млн. 650 минг сўм пулни олаётганда қўлга олинди.

Ҳасанга қонунга зид иши учун 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Азиз ҳам анча пайтдан бери Самарқанд шаҳардаги «Мармар» дехқон бозорининг олдида чет эл валютаси олди-сотдиси билан шуғулланади. 2020 йил январь ойининг ўрталарида ҳар доимгидек бозор олдида икки киши билан гаплашиб қолди. Азиз уларга долларни банклардан арзонроқ беришини айтди.

— Ака, доллар керак бўлса бегона қилмай ўзимга келаверинг. Қанча десангиз топиб бераман, — деди ва уларга телефон рақамини берди.

Орадан икки-уч кун ўтгач йигитлардан бири кўнгирок қилди.

— Азиз ака, мен Умидман. Доллар керак бўлиб қолди. Иложи борми?

— Сиз қаердасиз, айтган жойингизга олиб бораман. Сўмни тайёрлаб турсангиз бўлди.

— Вилоят ҳокимиятининг олдидаман.

— Бўлди, ўша ерда туринг, 10-15 минутда бораман.

Улар кўришиб гаплашиб олишди.

— Бир долларни 9600 сўмдан сотаяпмиз, — деди Азиз.

— 28 млн. сўм пулим бор. Ҳаммасига доллар оламан, — деди Умид.

Азиз телефонини олиб ҳисоб-китоб қилди.

— Бозор курсида 2900 доллар 27 млн. 840 минг сўм бўлади.

Умид рози бўлди. Азиз пулини санаб олди. 2900 долларини бериб энди кетаётганда департаментнинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд ҳукми билан Азизга 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди. 2900 доллар давлат ҳисобига ўтказилди.

Икром МУРОДОВ,
департаментнинг Самарқанд вилояти бошқармаси суриштирувчиси
Бобир ХОЛМУХАММЕДОВ,
департаментнинг Самарқанд вилояти бошқармаси катта инспектори

ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМИ СОХТА ЭКАН

Бундай қимсалар ўзларини анча босиқ, ўта жиддий тутишади. Бунинг сабаби бор. Биринчидан, одамлар улар билан ҳайиқиброқ муомала қилади. Иккинчидан, унда бунда ўз муаммолари ёки режалари бўйича илтимос қилувчилар учраб қолади. Фирибгарлар учун айнан шу иккинчи жиҳат жуда муҳим.

Косон туманидаги Пудина маҳалласида яшовчи И.Й. ҳам ҳо-жатамандларни кўп кидирмади. Нақ уч киши унинг ўлжасига айланди. Нима ҳам бўларди?! Ўзини «Косон тумани ички ишлар бўлимида ишлайман» деб таништирганидан кейин унча-мунча одамни шу соҳага ишга жойлаб қўйишга қурби етишини айтиб мақтанади-да. Сибсатига маҳлиё бўлганлар эса унга қандай ишониб қўйганларини ўзлари ҳам сезмай қолишди.

Хуллас, кейинчалик маълум бўлишча, И.Й. ички ишлар идораларига ишга жойлаб қўйишни ваъда қилиб 10 300 АҚШ долларини қўлга киритган. Қилмиши ошкор бўлгач, айрим жабранувчиларнинг пулини қисман қайтарди, қолгани бўйнида қарз бўлиб қолди. Фирибгар қилмишига яраша жазосини олди.

Қувонч ЧОРИЕВ,
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

ЕРФУРУШНИНГ НАЙРАНГИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси ўтказган навбатдаги тадбирда ана шундай жиноятга чек қўйилди.

Хонқанин Қирқеп кишлоғида яшовчи Шодиёр Саломов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) тумандаги маъсулияти чекланган жамятларнинг бирига раҳбарлик қилиб келган. У Новҳоз кишлоғида яшовчи Акбар Собировга туман ҳудудидан уй қуриш учун ер олишга ёрдам беришини айтиб, унинг ишончига кирган. Бу борада туман ҳокимининг қарорини чиқариб бериш учун 2 000 АҚШ доллари сўраган.

Ноқонуний ҳаракатни тўғри англаган фуқаро ушбу жиноятга барҳам бериш мақсадида департаментнинг Хоразм вилояти бошқармасига мурожаат қилди. Унинг аризаси асосан ўтказилган тадбирда Ш.Саломов ундан 2000 долларни олаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Ҳозир мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилмакда.

Аминбой ҚАЛАНДАРОВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

ВИЖДОН ОЛДИДА ҲИСОБ БЕРИШ БОР!

Ҳаётда оғир вазиятни бошидан ўтказган киши яхши англайди: уйга муҳтож, ижарама-ижара кўчиб юрган кишилар кичик кулба бўлса ҳам ўз уйи бўлишини орзу қилади.

Бу ҳақиқатни Бухоро шаҳар ҳокимлиги уй-жойларни ҳисобга олиш ва нотураж жойлардан фойдаланиш бошқармаси Ётоқхоналарга коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган Бердийёр Қаҳҳоров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳамда унинг жиани, тўғрироғи, жинойи шериги Феруз Баҳодиров қаердан ҳам билсин.

Сабрия Рашидова ҳокимият тасарруфидаги уйлардан олиш учун елиб-югуриб юрган пайти «оҳжатбарор»лар ҳақида эшитиб қолди. Йўлини топиб улар билан телефонлашди.

— Ҳокимиятда ишлайдиган танишларим орқали ёрдам бераман. Лекин ҳозир

замонни биласиз. Бироз харажат қилмасангиз...

— Айтинг, қанча? — деди сабр қосаи тўлган Сабрия ичида «харажатиим ўлсин» деб турганини билдирмай.

— 1200 «кўк»ида.

— Ака, бунча пулим йўқ. Лекин ҳозирча ярмини бериб, кейинроқ қолганини тўғрилаб берсам майлими?..

2019 йил 15 январь куни Феруз Баҳодиров Бухоро шаҳар «Тўқимачи» бозори олдида Сабрия Рашидовадан 500 АҚШ долларини олиб, Бердийёр Қаҳҳоровга етказган пайтида қўлга олинди. Муҳтож кишидан пора талаб қилган бу йигитлар виждон олдида ҳисоб берадиган вақт қисқалигини билишмайди.

Суд ҳукмига кўра Ф.Баҳодировга 3 йил, Б.Қаҳҳоровга 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Умид САДИЛЛОВ,
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси катта инспектори

ЯШИРИН ЦЕХ ФОШ ЭТИЛДИ

Департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ ходимлари ўтказган тадбирда «Goldfish farm group» МЧЖ раҳбари А.Я. фармацевтика фаолияти учун лицензия олмасдан Фарғона шаҳар Ёруғлик кўчаси 10-уйда дори ишлаб чиқариш учун яширин цех ташкил қилгани, Андижон шаҳрида рўйхатдан ўтган «Universal mega farm» МЧЖнинг ёрликларидан фойдаланиб, 70 фоизли тиббий спирт ишлаб чиқариб сотаётгани аниқланган.


Тадбир давомида 2800 литр 96 фоизли спирт, 1950 литр 70 фоизли спирт, 136 минг дона 50 миллиграммлик идиш ва унинг қопқоғи, 15000 та идишга қадокланган 70 фоизли спирт, 355 мингта ёрлик, жами 29 турдаги маҳсулот ашёвий далил сифатида олинган.

Фарғона вилояти Санитария-эпидемиологик осовишталик марказининг ҳулосасига кўра мазкур яширин цех санитария қондасига жавоб бермаслиги, олинган этил спирти тиббиётда фойдаланишга тавсия этилмаслиги ҳамда «Uztesb» ДУКнинг ҳулосасига кўра этил спирти истеъмолга яроқсиз ва инсон соғлиғи учун хавфли эканлиги аниқланиб, «Goldfish farm group» МЧЖ раҳбари А.Я. ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Суд айбдорларга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Отабек АЗИМОВ,
департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори





ХОДИМЛАР ИШГА ТИКЛАНДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судининг 2020 йил 30 июлдаги ижро ҳужжати асосан Бандихон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг кадрлар бўйича инспектор Р.Худойназаровани 8 июнь куни бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги буйруғи бекор қилиниб, лавозимига тиклаш мажбурияти юклатилган.

Мазкур ҳужжат Мажбурий ижро бюросининг Бандихон тумани бўлимига 3 август куни келиб тушган ва ишга киришилган.

Меҳнат кодексининг 111-моддаси 1-қисмига кўра меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганда у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишга тикланиши лозим.

Мазкур талаб асосида туман тиббиёт бирлашмасига бюро ходимлари томонидан талабнома юборилиб, ижро ҳаракатлари олиб борилган. Натيجада Р.Худойназарова ўз ишига тикланган.

Мажбурий ижро бюросининг Миробод тумани бўлимига суднинг қарорига мувофиқ «Unitel» МЧЖ бош директорининг 2020 йил 12 февралдаги буйруғини бекор қилиш ва А.Саидовни «Unitel» МЧЖ-

нинг Бухоро шаҳридаги жануби-ғарбий ҳудудий филиалининг корпоратив савдо бўйича катта мутахассиси вази фасига, Н.Юсуповни эса мазкур филиалнинг корпоратив савдо ва корпоратив мижозларни қўллаб-қувватлаш бўйича катта мутахассис вази фасига ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушади. Ушбу иш юзасидан ижро ҳужжати кўзга-тилиб, «Unitel» МЧЖга қарорни ижро этиш учун юборилди.

Натيجада корхона бош директорининг 13 июль кунги буйруғига биноан А.Саидов ва Н.Юсупов ўз вази фасига тикланди.

Хуршид ТАШПЎЛАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бош инспектори



ЧИҚИНДИ ЙИҒИБ ЮРГАН ИСЛОМБЕК ОТАСИ НЕГА АЛИМЕНТ ТЎЛАМАДИ?

11 яшар Исламбекнинг Россия чиқиндихоналарида ризқ қидириб юргани кўпчиликка қаттиқ таъсир қилган эди. Унинг онасининг қонуний ҳуқуқлари тикланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2019 йил 23 декабрдаги буйруғига асосан Б.С.дан Шахноза Жалоловага икки фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бюронинг Қарши туман бўлимига 28 декабрда келиб тушган ва шу куннинг ўзида ижро иши кўзга-тилган.

Суриштирув натижасида Б.С.нинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мулки аниқланмаган.

Ижро ҳаракатлари давомида 2020 йил 13 мартда Б.С.дан 340 минг сўм ундирилган.

Қарздор алиментни ўз вақтида тўламаса жавобгарликка тортилиши ҳақида бир неча марта огоҳлантирилган. Бироқ 2019 йил 29 декабрдан 2020 йил 15 июнга қадар 5 млн. 270 минг 808 сўмга етган.

22 июнда Б.С.дан ундирилмай қолган 4 млн. 930 минг 808 сўм алимент тўлиқ ундирилди.

Шахноза Жалолова 6 июлда уйига қайтганидан сўнг 7 июлда алимент пули унга топширилди.

Рашид АКРАМОВ,
МИБ Қарши тумани бўлими давлат ижроچиси

СУД ҚАРОРИ ИХТИЁРИЙ БАЖАРИЛДИ

Фуқаро С.Хусинов ўзининг «Матиз» автомашинасини Кармана туманидан ўтган М-37 автомобиль йўлининг 69-километрида бошқариб кетаётганда Йўл ҳаракати қондаларининг 53-бандини бузиб, С.Ҳомидовнинг «Кобальт» автомашинаси билан тўқнашиб кетган.

Ушбу ҳолатда тарафлар келишолмагани сабабли Кармана тумани маъмурий суди 2020 йил 4 июлда ҳуқуқбузар С.Хусиновдан 10 млн. 563 минг сўм зарарни ундириш ҳақида қарор чиқарган ва у шу куннинг ўзида бюронинг Кармана тумани бўлимига келиб тушган.

С.Хусиновга зарарни ихтиёрий равишда тўлаш учун 15 кун муддат берилган.

Давлат ижроچиси томонидан ҳуқуқбузар қор-

нуний талабни белгиланган муддатда бажармаса унга жарима қўлланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилган. Бундан тўғри хулоса чиқарган С.Хусинов 16 июлда етказилган зарарни тўлиқ тўлади. Ижро ҳужжати эса тамомланди.

Турсунбой РУСТАМОВ,
МИБ Навоий вилояти бошқармаси катта инспектори

ГАРОВДАГИ ҚАНДОЛАТ УСКУНАЛАРИ

МИБ Олмазор тумани бўлимида Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 10 январдаги «Zo't-zo't» ХҚдан «Миллий банк»нинг Учтепа тумани филиалига кредит қарзини ундириш ҳамда ундирувни гаровдаги 3 млрд. 125 млн. сўмлик қандолат ишлаб чиқариш ускуналарига қаратиш ҳақидаги ижро ҳужжати мавжуд.

Қарздорга қарзини тўлаш учун 15 кун ихтиёрий муддат берилди. Бироқ «Zo't-zo't» ХҚ ижро ҳужжати талабини бажармагач, мажбурий ижро ҳаракатларига киришилди. Хусусан, қарздорга тегишли, гаровга қўйилган, бошланғич баҳоси 3 млрд. 125 млн. сўм бўлган ускуналар хағланиб, электрон онлайн аукционга чиқарилди. Сотувдан тушган 3 млрд. 125 млн. сўм «Миллий банк»нинг Учтепа филиалига ўтказиб берилди ва ижро ҳужжати тамомланди.

Бобошер БОЛТАЕВ,
МИБ Олмазор тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

БАНК ФОЙДАСИГА 300 МИЛЛИОН

Мажбурий ижро бюросининг Фориш тумани бўлимига фуқаролик ишлари бўйича туман судининг 2020 йил 15 апрелдаги «Oltin kuz Akmal» МЧЖдан «Агробанк»нинг Фориш тумани филиалига 339 млн. 467 минг 697 сўм қарзи ҳамда давлатга 13 млн. 578 минг 707 сўм бож ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати 21 апрелда келиб тушган. Шу куннинг ўзида ижро ишига киришилган ва тарафлар бундан хабардор қилинган.

Ижро ҳаракатлари давомида қарз тўлиқ ундирилгани сабабли ижро иши юритуви тамомланди.

Отабек НАВРУЗОВ,
МИБ Фориш тумани бўлими бошлиғи



АЁЛ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Эр-хотин ўртасидаги низо оиланинг дарз кетишига сабаб бўлди. Бироқ ажримдан сўнг ҳам келишмовчиликлар тугамади. Аксична, иш судгача етиб бориб, эр-хотиннинг умумий мулки бўлиб берилди.

Мажбурий ижро бюросининг Шаҳрихон тумани бўлимига фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро суддан келиб тушган ижро ҳужжатида О.Солиевдан О.Солиевага Шаҳрихон тумани Карнайчи қўчасида жойлашган уйнинг ярми ҳисобидан 78 млн. 847 минг 49 сўм ундирилиши белгиланган.

Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида бу пул тўлиқ ундириб берилди ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунга асосан ижро иши тамомланди.

Музаффар МАЛЛАБОЕВ,
МИБ Андижон вилояти бошқармаси катта инспектори

ЖАРИМА ТЎЛАДИ

Тойлоқ тумани маъмурий судининг ижро ҳужжати асосан Завқиддин Ҳамдамовдан давлатга 5 млн. 68 минг сўм жарима ундириш белгиланган.

Мазкур ҳужжат Мажбурий ижро бюросининг Ургут тумани бўлимига келиб тушган куннинг ўзида ижро иши юритиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва жаримани тўлаш учун Завқиддин Ҳамдамовга муддат берилган.

Бироқ З.Ҳамдамов жаримани тўламаган.

Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида Завқиддин Ҳамдамовнинг «Спарк» автомашинаси хағланиб, жарима майдонига қўйилгандан сўнг у жаримани тўлиқ тўлади.

Махсуд МАМАСОЛИЕВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси инспектори

Фарғонада нархи 290 доллар бўлган кислород контцентраторлари ишлаб чиқарилади.

ИЛМ-ФАН, АМАЛИЁТ ВА ИННОВАЦИЯ

Аҳолини қонунларга ҳурмат ҳамда итоат руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда прокуратура органлари муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан Бош прокуратуранинг олий ўқув курслари Бош прокуратура академияси этиб қайта ташкил этилган. Фармон билан тасдиқланган йўл харитасининг 11-бандида миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар, дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга масъул этиб Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бош прокуратура ва Фанлар академияси белгиланган.

Чинакам халқ прокуратурасини шакллантириш йўлида амалиётнинг илм-фан ва инновация уйғунлигида олиб борилиши ҳозир прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бирига айланган. Жумладан, академиянинг «Proacademy» электрон журнали «Ўзбекистон онлайн тадқиқот» («Uzbekistan research online») электрон порталига киритилган республика олий таълим муассасаларининг 41 та илмий журнали каторидан муносиб ўрин эгаллади.

Энди электрон журналда чоп этиладиган чет тилидаги мақолалар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тасдиқлаган нуфузли хорижий илмий журналларда чикқан илмий мақола сифатида эътироф этилади. 2020 йил 1 августгача республика олий таълим муассасаларининг мазкур журналларида халқаро стандартларга мослаштирилган 4600 дан ортқ илмий мақола нашр этилган бўлиб, улар 108 та давлатда 59 700 марта юклаб олинган.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодиёт ва ҳуқуқ фанла-


ри бўйича илмий-техник кенгашга академиянинг уч нафар салоҳиятли ўқитувчиси киритилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги эълон қилган илмий-амалий ёки инновацион лойиҳалар танловида 20 дан ортқ муассаса орасида академия тақдим этган илмий лойиҳа биринчи марта ғолиб бўлди. 4-5 август кунлари вазирлик хайатининг онлайн тарзда ўтказилган йиғилишида илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида инновацион ҳамда амалий лойиҳалар танловига келиб тушган лойиҳаларни молиялаштириш масаласи кўриб чиқилди. Муҳокамага турилган фанлар бўйича илмий-техник кенгашлар тавсия этган 14 та лойиҳа киритилди. Молиялаштирилиши тасдиқланган 8 та лойиҳадан 2 таси Бош прокуратура академиясининг лойиҳасидир.

Академия тақдим этган инновацион лойиҳалардан бири «Аҳоли миграциясида рақамли визалар платформасини ишлаб чиқиш» лойиҳаси бўлиб, у илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар инновацион ёндашув орқали амалга оширилиши билан бошқа лойиҳалардан фаркланади.

2020 йилнинг январь ойида Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги илмий кенгашда мазкур лойиҳа мавзусига доир юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертацияси ҳимоя қилинган. Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг таъкилий-ҳуқуқий асосларига бағишланган тадқиқот ушбу лойиҳани тўлиқ амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади.

Лойиҳа мавзуси эътиборни тортади. Зеро, жаҳонда аҳоли миграцияси ҳар бир давлатнинг тараққиётга таъсир этувчи муҳим омиллардан бири бўлиб, ҳозир бирорта ҳам мамлакат миграция жараёнларидан четда қолмаган. БМТ маъ-



лумотиға кўра халқаро мигрантларнинг умумий миқдори сўнгги 25 йилда икки баробар кўпайиб, сайёраимиз аҳолисининг 3,5 фоизига тенглашди. 2050 йилга бориб мигрантлар сони 405 миллиондан ортиши тахмин қилинаёпти. Бу эса инсонларнинг эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқини яхшироқ қафолатлашни талаб этмоқда.

Миграция жараёнларини самарали бошқариш муаммолари тадқиқ этилмоқда. Бу борада ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ миграция сиёсатини юритиши, аҳоли сонининг ўсиши нафақат мамлакатдаги ижтимоий муносабатларга, балки халқаро меҳнат бозорига ҳам таъсир ўтказаетгани, меҳнат мигрантлари ватанига жўнатаётган пул аҳамияти бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан кейинги ўринни эгаллаши кузатишмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда миграцияни тартибга солишда ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш лозим. Мазкур жараёнда инсон омиллини илжожи бори-ча камайтириш коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Бош прокуратура академияси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази билан ҳамкорликда ишлаб чиққан лойиҳа икки йил давомида амалга оширилади. Унда қуйи-дагиларга эришилиши назарда тутилган:

– ўзда хорижий ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштиш имконияти, депортация бўйича тақиқларнинг олиб ташлангани, хорижга чиқишнинг тақиқлангани ҳамда чет давлатларнинг миграцияга оид қонунчилиги тўғрисидаги маълумотларни муҳим эътибор билан «Musofir» рақамли визалар платформаси яратилади;

– меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро стандартлар ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ўрганилади;

– олий таълим муассасаларида «миграция ҳуқуқи» фанини ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида ўқитиш мақсадида дарслик тайёрланади.

Бундан ташқари, илмий жамоа томонидан лойиҳани амалга ошириш натижаси бўйича «Фан тармоғи» («Web of Science Core Collection») ёки «Скопус» («Scopus») маълумотлар базасига кирувчи хорижий нашрларда 10 га яқин илмий ишнинг эълон қилиниши, Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланган журналларда мақолалар чиқарилиши, монографиялар чоп этилиши режалаштирилган.

Умуман олганда, лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида миграция соҳасидаги маъмурий тартиб-таомиллар соддалаштирилади, давлатнинг техник ресурслари ва маблағи тежалишига эришилади, қолаверса, мазкур соҳадаги коррупцион омиллар бартараф этилади.

Луқмонжон ИСОҚОВ,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

СИР ФОШ БЎЛДИ

Карим Ниёзов аввал ҳам содир этган жинояти учун жазога тортилганди. Аммо бундан хулоса чиқармай, яна эгри йўлни танлади. Энди сохта тадбиркор ниқоби остида ноқонуний даромад топишни мақсад қилди. Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиб, бинолар қуриш, юк ташишга ихтисослашган МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказишга муваффақ бўлди.

Лекин жамият ташкил этилганидан сўнг у низомида кўрсатилган бирон-бир фаолият билан шугулланмасдан 2019 йилнинг уч ойи давомида жамиятга қирим қилинмаган товарлар ва бажарилмаган ишлар учун келиб тушган 2 млрд. сўмдан ортқ пулга то-

вар-хомашё биржаси орқали харидорғир маҳсулотларни сотиб олди. Кейин уларни нақд пулга сотди. Савдолдан тушган пулни эса банкка топширмади.

К.Ниёзов жамиятнинг товар айланмаси қарийб 5 млрд. сўм бўлса ҳам солиқ тўлашдан бўйин товлади ва

солиқ идорасига май ойи учун тақдим қилган ҳисоботида жамият фаолияти тўхтагани ҳақида маълумот беради.

Июнь ойи учун тақдим қилган ҳисоботида эса жамият жами 5 млрд. сўмлик товар айланмасини амалга оширганлиги кўрсатган. Шундан унинг бюджетга 1 млрд. сўмлик солиқни тўлашдан бўйин товлагани маълум бўлади.

Табиики, сохта тадбиркорнинг қонунга зид ҳаракатлари фош этилди. Шундай қилиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва у кирдикорлари учун суд олдида жавоб беришга мажбур бўлди.

Бахтияр АБЕРКУЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи



ШАҲРАМ ВА ИСРОИЛ НАВБАТДАГИ ЖАНГИНИ ЎТКАЗДИ

Якшанба тонгида АҚШнинг Оклахома штати Талса шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс оқшомида ўзбекистонлик икки боксчи рингга кўтарилди.

Дастлаб Шахрам Гийсов никарагуалик Уинстон Кампосга қарши жанг олиб борди. Ўн раундлик жангнинг учинчи раундида Кампос Шахрамнинг зарбасини ўтказиб юборди ва нокаутга учради. Бу билан

27 ёшли боксчимиз профессионал боксдаги ўнинчи ғалабасини кўлга киритди.

Исроил Мадримов профессионал боксдаги олтинчи жангини америкалик Эрик Волкерга қарши ўтказди.

Жангнинг дастлабки қисмида рақиб устунлик қилган бўлса ҳам Исроил бурилиш ясай олди ва 12 раунд давом этган жангни яққол устунлик билан тугатди. Ҳатто 9-раундда ҳамюртимиз рақибини нокаутга ҳам учрат-

ган эди, бироқ рефери бу вазиятни нотўғри баҳолаб рақибга ўзига келиб олиш учун 5 дақиқа вақт берди. Ушбу ғалабадан кейин Исроил ўз вази тоифасида WBA камари учун мажбурий даввогарга айланди.

БОЙВАЧЧА ХОНИМЛАР

«Forbes» нашри дунёнинг энг сердаромад аёл спортчиларининг янги рейтингини эълон қилди. Рейтингдан асосан теннисчилар ўрин олган. 1-ўринни 22 ёшли япон теннисчиси Наоми Осака эгаллаган.

Рейтингда 2019 йил 1 июндан 2020 йил 1 июнгача бўлган давр ҳисобга олинган.

Рейтинг етакчиси Наоми Осака бир йил ичида 37,4 млн. АҚШ доллари ишлаб топган; 3,4 млн. долларни бевосита мусобақалардаги иштирокидан, қолган 34 млн. долларни эса реклама шартномаларидан олган. У айни вақтда Аёл теннисчилар ассоциацияси (WTA) рейтингини 10-ўринни эгалламоқда. Унинг ҳисобида «WTA»нинг 5 та унвони бор. Осака, жумладан, 2019 йилги Австралия очик чемпионати ва 2018 йилги АҚШ очик чемпионати ғолиби ҳисобланади.

Америкалик теннисчи Серена Уильямс 2-ўринни эгаллаган. У бир йил ичида 36 млн. доллар ишлаб топган. Етакчи учликка австралиялик Эшли Барти 13,1 млн. доллар даромад билан кирган.



Ўнталик куйидагича:

1. Наоми Осака – 37,4 млн. доллар (Япония, теннис).
2. Серена Уильямс – 36 млн. доллар (АҚШ, теннис).
3. Эшли Барти – 13,1 млн. доллар (Австралия, теннис).
4. Симона Халеп – 10,9 млн. доллар (Руминия, теннис).
5. Бьянка Андрееску – 8,9 млн. доллар (Канада, теннис).
6. Гарбинье Музурдусу – 6,6 млн. доллар (Испания, теннис).
7. Элина Свитолина – 6,4 млн. доллар (Украина, теннис).
8. София Кенин – 5,8 млн. доллар (АҚШ, теннис).
9. Анжелика Кербер – 5,3 млн. доллар (Германия, теннис).
10. Алекс Морган – 4,6 млн. доллар (АҚШ, футбол).

Эслатиб ўтамиз, июнь ойида «Forbes» швейцариялик теннисчи Рожер Федерерни дунёнинг энг сердаромад эркак спортчиси деб эътироф этганди. У бир йилда 106,3 млн. доллар ишлаб топган.



РОНАЛДУНИНГ «БАРСЕЛОНА»ГА ЎТИШИ РОСТМИ?

«Ювентус» раҳбарияти Криштиану Роналдуни «Барселона»га сотишга ҳаракат қилаётгани ҳақида хабарлар тарқалган эди. Шунингдек, туристиклар асосий тўпурар олаётган маошнинг юқорилиги боис ундан қутулиш мақсадида «Реал», ПСЖ ва АҚШнинг қудратли клубларига Роналдуни таклиф қилгани айтилган.

Масалага ойдинлик киритилмоқда. Бу хабарларга Роналдунинг яқинлари муносабат билдирди. Улар футболчининг «Ювентус»да қолиши ва «Барселона»га ўтаётгани ҳақидаги хабарлар ёлғонлигини таъкидламоқда.

Маълумотларга қараганда, Криштиану Роналду жамоа билан имзолаган шартнома яқунланмагунча Туринда қолмоқчи. Шартнома 2022 йилнинг ёзида тугайди.



КЛУБНИ КИМ БОШҚАРАДИ?

«Барселона» клуби янги бош мураббий борасида бир қарорга келди. «The Guardian» тарқатган хабарга кўра Роналд Куман шу ҳафтада «Барселона» бош мураббийига айланади.

Клуб президенти Хосеп Мария Бартомеу учун Маурисио Почеттинонинг номзоди ушбу номзодга эътироз билдирган. Чунки аргентиналик мутахассис аввалроқ ҳеч қачон «Барселона» жамоасида ишлаганини айтиб ўтган эди.

Куман «Барселона» бош мураббийига айланса, Нидерландия терма жамоасини тарқ этади.

Эслатиб ўтамиз, «Барселона» Европа чемпионлар лигаси чорак финалида «Бавария»га ютказганидан сўнг шундоғам кетиши ойдинлашиб турган Энрике Сетьен ишдан олинди. Шундан сўнг Нидерландия терма жамоаси бош мураббийи Роналд Куман «Барселона»ни бошқаришга тайёрлиги ҳақида гап-сўзлар тарқала бошлаганди. Шамол бўлмаса дарахнинг учи қимирламайди деб шунга айтсалар керак.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди